

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 180 (9.983)

2003 ЙИЛ 12 СЕНТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА САТРАРДА

● **БУГУН** Тошкент Давлат иқтисодийёт университетида мамлакатимиздаги олий ўқув юртлири жисмоний тарбия кафедраси мудириларининг йиғилиши ўтказилди. ЭРТАГА эса мазкур университетда республика олий ўқув юртлири факультетларининг деканлари иштирокида уюштирилаётган анжуман янги ўқув йилида таълим сифатини кўтариш режалари ва чоратадбирларига бағишланади.

● **БУГУН** «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан «Оилада ўзаро муносабатлар ва мулоқот психологияси» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Никоҳ ва оила маросимлари маркази, тиббиёт коллежлари мутахассислари иштирок этишди.

● **БУГУН** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида «Биозкосан» республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси тизимидаги тўғарақларда 2003-2004 ўқув йилининг очилишига бағишланган «Табиаат — чекмасин азият» мавзусида экологик тадбир уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Нукус шаҳрини «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига қўшаётган муносиб ҳиссаси, мураккаб экологик шароитга қарамасдан, ҳаётнинг кўплаб соҳаларида юқори натижаларга эришаётгани, юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб-

авайлаш ва бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида шаҳар аҳли амалга ошираётган катта ишларни инобатга олиб ҳамда 70 йиллиги муносабати билан Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 11 сентябрь.



Йилдан йилга гўзллашиб бораётган пойтахтимизда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

СУРАТДА: «Гидроизолсинтез» қурилиш фирмасининг кўли гул, ғайрат-шижоатли қурувчилари — Мансур Худойберганов ва Камолитдин Шароповлар иш устида.

ИТАЛИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Италия парламенти Депутатлар палатаси раиси Пьер Фердинандо Казини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Италия ўртасида парламентарларо алоқаларни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

П.Казини шу куни Ўзбекистон Республи-

каси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан ҳам учрашди.

Икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар сўхбатнинг асосий мавзуси бўлди. Шунингдек, томонлар Афғонистондаги вазият, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда халқаро террорчиликка ва гиёванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашни кучайтириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашди.

ришларни яққол намоиш этади. Ўзбек ва корейс рассомлари томонидан ўтказиладиган ҳар йилги бадиий кўرғазмалар ва санъат соҳасидаги бошқа тадбирлар айниқса юқори баҳоланади.

Корейс миллатига мансуб ҳамюртларимиз ижоди — кўп миллатли давлатимиз маданиятининг ажралмас қисми. Улар Ўзбекистон санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Рустам Худойбергенов, Светлана Цой, Георгий Ким, Жоллибой Изентаев, Юрий Магай, Собир Рахметов каби рассомларнинг асарлари кўрғазмадан кенг ўрин олган.

(ЎЗА)

ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС УСТАЛАРИ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида ўзбек ва корейс мўйқалам усталари асарлари кўрғазмаси очилди.

Бу тадбир Корея Республикасининг мамлакатимиздаги маданият кунлари доирасида ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, бу Корея маданияти кунлари 1998 йилдан бери ўтказиб келинмоқда ва бу гал олтинчи бор ташкил этилди.

Кўрғазманинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев, Корея Республикасининг

мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси Ким Сонг Хван ўтган даврда икки республика ўртасида сиёсат, иқтисод, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик муносабатлари янада ривожланаётганини таъкидлашди.

Ўзбекистонда Корея маданияти кунлари республикамизнинг маданий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлиб, икки мамлакат санъатидаги илғор ўзга-

XXI саҳоси

Бирча маълумлардан олинган сўйгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлардан самимий кутловлар келиши давом этмоқда.

● Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрами кунларида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёти ўзининг мустақил матбаа негизига — газета чоп этиш замонвий босмахонасига эга бўлди.

● «Аср мактаби» деб ном олган Андижон шаҳридаги 31-мактаб Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг «Ўзбекистон мактаблари учун компьютерлар» лойиҳасига лойиқ деб топилди.

● Қанлиқул тумани шолікорлари Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб шолі ўрминини бошлаб юборишди.

● Жиззах вилоятининг тоғлар оралиғида жойлашган сўлим Бахмал туманидаги Жумжум қишлоғида «Сўғдиёна» маънавият ва маърифат боғи очилди.

● Чиноз туманидаги С.Раҳимов номидаги ширкат хўжалиғида 6 минг кишига хизмат кўрсатувчи янги қишлоқ шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди.

● Жиззах вилояти давлат архиви жамоаси томонидан ташкил этилган фотоқўرғазма «2003 йил — Обод маҳалла йили» мавзусига бағишланди. Архивчилар қўрғазмада ўзбек маҳаллалари тарихи, уларнинг кундалик ҳаётимиздаги ўрни, миллий удулларимиздаги аҳамияти бўйича хужжатлардан ҳам самарали фойдаланишди.

Жаҳонда

● АҚШ Президенти Жорж Буш Шимолий Корея, Мьянма ва Кубага нисбатан ушбу давлатлар ҳукуматларининг одам савдосининг олдини оллмаётганликлари сабабли янги санкциялар киритди.

● Польшанинг пойтахти Варшава шаҳри марказида кончилар ва полициячилар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди.

● Кеча Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штати маркази Сринагар шаҳридаги бозорлардан бирига жангарилар граната улоқтирганлиги сабабли 10 дан зиёд киши тан жароҳатлари олди.

● Исроилдаги кафелардан бирида навбатдаги қўпурувчилик ҳаракати рўй берди — террорчи камикадзе ўзини портлатиб юборди. Оқибатда 8 киши ҳалок бўлди, 50 дан ортиқ киши жароҳатланди.

Сўраш,
жавоб берамиз



Болаларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгми?

М.Хамдамова,
шифокор.

Ота-она воёга етмаган болаларга таъминот бериши шарт.

Воёга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади.

Воёга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилмаган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органлари воёга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлидир.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топилганин оқибатлари қандай бўлади?

С.Фотиҳова,
магистр.

Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-хотин учун Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига белгилангандек шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкий ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси билан тартибга солинади.

Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилгани шундай никоҳдан тузилган ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган қундан кейин у юз кун ичида тузилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди.

Суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топилш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришда шундай никоҳ тузилиши билан ҳуқуқи бузилган эр (хотин)ни (инсофли эр (хотин)ни Оила кодексининг 118 ва 119-моддаларига мувофиқ хотин ёки эридан таъминот олиш ҳуқуқига эга деб топилган ҳақлидир, никоҳни ҳақиқий эмас деб топилш вақтига қадар биргаликда орттирилган мол-мулкни бўлишга нисбатан эса, ушбу Кодекснинг 23, 27 ва 28-моддаларида белгиланган қоидаларни татбиқ этишга, шунингдек никоҳ шартномасини тўла ёки қисман ҳақиқий деб топилган ҳақлидир.

Инсофли эр (хотин) ўзига эркин қилинган моддий ва маънавий зарарини қоплатишнинг фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар бўйича талаб қилишга ҳақли.

Инсофли эр (хотин) никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда никоҳ тузиш давлат рўйхатига олинган вақтда танлаган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақлидир.

Мен 2001 йилда хусусий ишлаб чиқариш корхонасини очган эдим. Лекин саломатлигим ёмонлашгани сабабли бошқа шахарга даволаниш учун кетишим керак. Корхонамни ишониб топширадиган экин одамим йўқ. Шу сабабли корхонани қонуний асосда бирор-бир кишига вақтинча бошқариб туриш учун (мол-мулкларни сотиб юбормаслик шарти билан) топширсам бўладими?

Д.Миролимов,
тадбиркор.

Ҳа, бўлади. Бирор-бир шахсга мол-мулкнингизни шартнома асосида муайян муддатга ишончли бошқарувга топширишингиз мумкин. У мол-мулкнингизни бошқарган экан, шартномага асосланган мол-мулкка нисбатан фойда олувчининг манфаатларини қўлга олмаган ҳолда ҳар қандай юридик ва амалий ҳаракатларни қилишга ҳақли. Лекин мол-мулкни бундай ишончли бошқарувга топшириш мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувига ўтишга олиб келмайди.

Хурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғирок қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

• ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА СОҒЛОМ ОИЛА— СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Мамлакатимизда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш энг устувор масалалардан ҳисобланади.

Кунги кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда шаҳар Адлия, Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, хотин-қизлар кўмитасининг туман бўлимлари раислари, «Махалла» жамғармасининг шаҳар бўлими, «Маънавият ва марифат» маркази, туман ФХДБ бўлимлари ходимлари иштирок этдилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш Котибияти ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги биргаликда ташкил қилган мазкур йиғилишда юқоридagi қарор

қилиниши, оила аъзоларининг тиббий ва ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, бугунги кунда баъзи оилаларнинг ажралиб кетишига, қасалванд болалар туғилишига, жамиятда гивандлик, ОИТС касаллигига чалинган инсонларнинг кўпайишига юқоридagi омиларга жиддий эътибор берилмаётгани сабаб бўлаётди. Қарор Оила кодексининг 17-модасини бажариш ҳамда соғлом оилани шакллантириш, турли ирсий ва туғма касалликларга чалинувчи болалар туғилиши, унда соғлом фарзандлар камол топишига хизмат қилади. Келажак авлоднинг жисмонан ҳамда маънаван соғлом бўлиб воёга етишида ота-онанинг соғлом бўлиши, оилада соғлом турмуш тарзига риоя

дан ўтказиладиган барча ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ниҳоятда белгиланишича, келгуси йилнинг январидан бошлаб никоҳдан ўтказиладиган шахслар ФХДБ идоралари йўлнамасига асосан ўзларининг яшаш жойидаги руҳшунос, нарколог, тери-таносил касалликлари шифокорлари, фтизиатрлар томонидан тиббий қўриқдан бепул ўтказиладилар.

Йиғилишда мазкур қарорнинг Тошкент шаҳридаги ижросини таъминлаш, уни фуқаролар, айниқса ёшлар ўртасида кенг тушуштириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, бу ишга тиббиёт ходимларининг масъулиятини янада ошириш хусусида фикрлар билдирилди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дилором ИКРОМОВА.

«БАҒРИНГ БУТУН БЎЛСИН, БОЛАМ»

Ёшлигимизда кексалар шу хилда дуо қилишганда бу сўзнинг унчалик маъносига етмай, хайрон бўлардик. Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб экан-да. Бағри бутунлик нималигини кесайиб, ёлғизлиб қолган одам биларкан.

Тунов кунги аёлим касалхонага тушиб қолганида буни яна бир бор ҳис этдим. Яхшиямки қизлар, куёвлар, набиралар бор. Барака топишсин. Бирни келиб, бири кетиб туришди. Ҳаммаси менинг иссиқ-совуғимдан хабардор бўлишди. Кундузлари қичкинтойлар билан андармон бўлиб ёлғизликни унутгандек бўлам. Лекин кечга бориб, ҳамма уй-уйига тарқалган, гавжум ҳовлимиз хувиллаб қолиб, ёлғизлик яна ўртага бошлаганда бағри бутунлик фақат фарзандлар билангина эмас, балки жуфти ҳалолнинг ҳам эканлигини юракдан англаб етаман. Ана шунда ўзимча, ишқилиб эркак кишини қариганда аёлидан бир дам бўлса-да айирмасин экан-да, деб қўяман.

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Маҳалламизда йиғилиш бўлди. Оқсоқол мажлисини тугата туриб менга:

- Бобо, хабарингиз борми, йўқми, марҳум дўстингиз Солижон отанинг ўғли Ҳалимжоннинг оиласи бузилай деб турибди.

ним жаҳл билан уйдан чиқиб кетди.

- Ҳўш энди нима қилмоқчасан, ёлғиз ўғлинг билан ўтирасанми? Шундай экан, ярани газаклатмай хотинингнинг олдига бориб ҳақиқатни тушунтирмайсанми?
- Ҳалимжон жилмайиб қўйди.
- Ҳозир ўзи келиб қолади.
- Унинг ишонч билан айтган гапига ҳайрон бўлиб қарадим. Кейин у кула-кула шундай деди.
- Гапнинг қизигини энди эшитинг. Кечки пайт телефон жиринглаб қолди. Гўшақни кўтарсам, ундан бегона аёлнинг зардали овози эшитилди.
- Менга Ҳалимжон ака керак, — овозидан ўша оймича эканини дарҳол тушундим.
- Мен, эшитаман.
- Вой, бу ким?
- Сиз сўраган Ҳалимжон акангизман.
- Кечирасиз, бошқа жойга тушиб қолдим шекилли. Мен бошқа Ҳалим акани...
- Синглим, тунов кунги ҳам сиз кўнғирок қилган эдингизми?
- Ҳа, янглишибман-да, ўшанда бир аёл кўтарган эди гўшақни.
- Бор гапни унга тушунтирдим.
- Энди бундай қиласиз, — дедим охирида, — бизни ўзингиз

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Кеча биз кириб, ётига билан тушунтириб чиқдик. Орадан телефон сўзлашуви баҳона арзиманган гап ўтибди. Айниқса келин тўнини тескари кийган. Шунга ўзингиз ҳам бир бор кириб, икки ёшни муроасо мадорага қақриб қўйсангиз яхши бўларди, — деб қолди.

Шу топдаёқ Ҳалимжонларникига йўл олдим. Эшикни унинг беш-олти ёшлар чамасидаги ўғилчаси очди-да, сўлгин нигоҳда менга тикилди.

- Уйда ким бор?
- Адамлар...
- Ҳовлига киришим билан Ҳалимжоннинг овози эшитилди.
- Э, келинг отахон, бормисиз? Қайси шамол учирди?
- Ноҳушлик шамоли. Эшитмаганмисан бўтам «Кўшнинг тинч, сен тинч» деган экан машойихлар.

Омонлаша туриб айтилган бу гапдан Ҳалимжоннинг чехраси ёришди.

- Қани, айвонга марҳамат қилинг, бобо, — дуойи фотиҳадан сўнг деди. — Бу аломат гапларни сиз ҳам эшитибсиз-да.

- Нима жин урди сени, ўғлим, — дейман унинг бепарволарча кулгисидан ҳайрон бўлиб.

- Ҳаммасига мана бу телефон сабаб. — Ҳалимжон ёнида турган телефон гўшагини кўтариб, яна тарақлатиб жойига қўйди.
- Қани эшитай.

- Кечки пайт телефон жиринглабди, хотиним шошиб келиб гўшақни кўтарса, ундан бир аёлнинг: «Ҳалимжон акам уйдадиларми?» — деган нозли овози эшитилибди. Хотиним:

- Нима гапингиз бор эди, ҳали ишдан келганлари йўқ. Бирор муҳим юмушингиз бўлса айтиверинг, мен у кишининг аёллари бўламан, — деган экан у оймича:

- Вой сиз қанақа аёллари бўласиз, у киши менга ҳали уйланмаганман деган эдилар-ку. Ҳали мени алдаб, лақиллатиб юрган эканлар-да, — деган зардалди жавобини қайтарибди-да, сўраб-сўриштирмай гўшақни жойига қўйибди.

Ишдан келсам хотинимнинг авзоий бузук. Нукул қитмир гап қилади, йиғлайди. «Гапир, нима гап ўзи?» десам у: «Кимни лақиллатиб юрганингизни биларсиз, ахир» — дейди. Охири масаланинг тагига етгач, унга ётига билан тушунтирдим. «Ҳаммаси ёлғон, балки бегона аёл адашиб бизнинг телефонга тушиб қолгандир» десам ҳам кўнмади. «Қандай қилиб адашсин, ахир отингизни рўй-рост айтиб турибди-ку» дейди нукул ўжарлик қилиб. Биласиз ишдан чарчаб келган одамнинг аризмас гапдан асаби бузилади. Чидаб туролмай умримда қилмаган ишни қилдим, уни бўралаб сўйиб, аччиқ устида тарсқилаб юбордим. Шунда хоти-

уриштирдигиз, энди ўзингиз яраштириб қўясиз.

Мен у аёлнинг телефон рақамини, у эса хотинимнинг манзилни ёзиб олди. Ҳар қалай гапга тушунадиган аёл экан.

- Ўзим бориб кечирим сўраб, аёлингизни уйингизга олиб бориб қўяман, — деди. Шу топда уларнинг келишини кутялман, отахон.

Бу гапдан кўнглим таскин топди. Хайрият охири, яхшилик билан тугабди. Лекин акси ҳам бўлиши мумкин эди-ку.

Ҳа азизлар, телефонда ўзгалар билан сўзлашганда бироз эътиборли бўлайлик. Баъзан қутилмаганда шошилибми ёки адашибми бошқа жойга тушиб қолишимизни ҳам унутмайлик.

ҲАЗИЛ ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА

Тушлик пайти тамадди қилиш учун ошхонага кирдик. Уч улфат хона тўридаги столдан жой олишган. Ўртада бўлакланган помидор, бодринг, оёқ тагида эса иккита бозорда сўзлашганда бироз эътиборли бўлайлик. Баъзан қутилмаганда шошилибми ёки адашибми бошқа жойга тушиб қолишимизни ҳам унутмайлик.

- Менга қаранглар, яна ичасанларми? Гап йўқ. Агар тортса яна яримта олиб келаман, — деди улардан бири ёнидаги бир даста пулни кўз-кўз қилиб.

- Вой номард, шунга ҳам сўраб ўтирадим, сўраб бергунча уриб бер, деган гапни эшитмаганмисан?

- Учинчи йигит шеригининг қочиримидан хоҳолаб қулди.
- Ҳозир ет қиламан.

- «Пулдор» йигит ўрнидан турди. Бориб бир шиша ароқ келтириб ўртага қўйди.

- Мана, ичларингиз захарларингиз.

Қийқирик, кулги асносида шериги унинг тагидаги ҳали ўтириб улгурмаган стулнинг четга суриб қўйди. Кулгидан ўзини тия олмаган йигит ўтироқчи бўлиб стулга ўзини ташлади-ю, баралла ерга қулади. Унинг бу ҳолатидан аскиядош улфатлар чўнонан қулдиларки, гўё бутун зални оёққа кўтаришди.

Йиқилган йигит қизариб, бўзариб аста ўрнидан турди. Қутилмаганда ўртадаги ароқ тўла шишани қўлига олиб шеригининг бошига туширди.

Энди ошхонада ростманга кий-чуч бошланди.

• ҲАМКОРЛИК

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Германия иқтисодиёт ва меҳнат федерал вазирлигининг кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, уларнинг салоҳиятларидан самарали фойдаланиш дастури доирасида учрашув ўтказилди.

Учрашувда Германия иқтисодиёт ва меҳнат федерал вазирлиги, Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, мазкур давлат ва мамлакатимиздаги турли корхона ва муассасалардан вакиллар иштирок этишди.

Учрашув Узбекистон ва Германияда фаолият

юритаётган турли корхона ва муассасалар ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш мақсадида уюштирилди.

Унда томонлар атроф-муҳит муҳофазаси, чиқиндиларни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш ва тажриба алмашиш борасида ўзаро келишиб олишди. Мазкур алоқалар иқтисодиётнинг изчил ривожланиши, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини янада кучайиши, қолаверса, янги иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўлади.

Учрашувда икки давлат мутахассислари ўртасида яқма-яқма мулоқотлар ўтказилди. Унда келажакда иккала томон манфаатларини кўзловчи лойиҳаларни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Учрашув доирасида экологик таълим-тарбия жараёнида нодавлат ва нотижорат ташкилотларнинг ўрни мавзусида семинар ҳам ўтказилди. Меҳмонлар республика Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасида ҳамда ҳамкорликда фаолият олиб борилаётган айрим корхона ва муассасаларда бўлиб, олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, улар Паркентдаги Физика-қуёш илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бўлишди.

"Туркистон-пресс"

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ДИҚҚАТ, ОБУНА 2004!!!

2003 йил 10 сентябрдан Тошкент шаҳар почта алоқа бўлимларида 2004 йилга Республика ва Россия Федерацияси даврий нашрларига обуна бошланди.

Ўзингиз севиб ўқийдиган нашрларга обунани расмийлаштиришга шошилинг!

Обунани расмийлаштириш бўйича Сизни кизиқтирган саволлар бўлса, «Тошкент почта» ОТАЖга қўнғироқ қилинг.

Телефон: 133-47-49, 133-73-56.

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ**
Тошканбой Эгамбердиев номи
Тошкент Давлат цирки

2003 йилнинг бутун сентябрь ойи давомида
КУЗГИ БАЙРАМ КАЙФИЯТИ ДАСТУРДА:
МОНТЕ КАРЛО совриндорлари, олтин нишон сохиблари
ЧАВАНДОЗ ЙИГИТЛАР
ОРИГИНАЛ ЖАНРЛАР АРТИСТЛАРИ
УРГАТИЛГАН КАБУТАРЛАР
ХАВО ГИМНАСТЛАРИ
«Хиндистон» номи шағамлардаги
ФАНТАЗИЯЛАР
ТУЯЛАРДАГИ АКРОБАТЛАР
КУВНОК МАСХАРАБОЗЛАР ЖУФТЛИГИ

Томошалар:
Жума кунлари 18.00 да шанба, якшанбада 12.00, 15.00,
18.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда
тўланиши мумкин.
Касса 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар:
144-29-04, 144-35-91, 144-32-23.

Бектемир тумани ДСИга тегишли MS-5 № 747376-747400, MS -5 № 747401-747425 рақамли қатъий ҳисобда турувчи патта бланкалари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ



ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2003 йил июл, август ойларида бўлиб ўтган кимовиди савдоларида қўйилиб сотилмаган «Юнусобод деҳқон бозори» ОАЖнинг Аҳмад Дониш шохобчаси,

«Паркент бозори», «Авиасозлар бозори» ОАЖнинг худудларида янги қуриладиган турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқлари 2003 йил 15 сентябрдан биржа савдоларига ўтказилганлигини маълум қилади:

Қурилиши қўзда тутилган савдо объект ному	Турғун савдо дўконининг		
	Ўлчами, м	Сони, дон	Бошланғич нархи, минг сўм
«Юнусобод деҳқон бозори» ОАЖнинг «Аҳмад Дониш» шохобчаси			
Савдо дўкони	9 (3x3)	94	2000,0
Савдо дўкони	11,1 (3x3,7)	2	2470,0
«Паркент бозори» ОАЖ			
Нооziқ-овқат буюмлари дўкони	9 (3x3)	256	2000,0
Ўишг дўкони	9 (3x3)	13	1000,0
Қурилиш моллари дўкони	9 (3x3)	136	2000,0
Қурилиш моллари дўкони	12 (3x4)	61	3000,0
Қурилиш моллари дўкони	36 (6x6)	56	3500,0
Лак-бўёқ дўкони	1,5 (1x1,5)	90	2000,0
Ошқона	48 (6x8)	14	5000,0
«Авиасозлар бозори» ОАЖ			
Савдо дўкони	9 (3x3)	183	2000,0

Савдо дўконларини қуриш ҳуқуқини қўлга киритган савдо ғолибларига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

- савдо объектини қуриш ҳуқуқи учун тўловларни шартнома асосида 10 кун муддат ичида амалга ошириш;
- лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга сарфланган харажатларни 15 кун муддат ичида қоплаш;
- савдо объекти қуришни ўз ҳисобидан ягона буюртмачи билан тузилган шартнома асосида амалга ошириш;
- савдо объекти қуриб битказилгандан сўнг, уни ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;
- бозор маъмурияти билан тузиладиган шартнома асосида коммунал хизматлар ва ер участкаси ижараси учун ҳақ тўлаш.

Биржа савдолари шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳафтанинг ҳар иш кунинда бўлиб ўтади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.

Шарқ дурдоналари

ОЗ ОЗ УЎЛГАНИБ
ДОМО БУЎЛАР...

ХАЛОЛЛИК
ВА ТЎҒРИЛИК ҲАҚИ-
ДА

- Халоллик ҳар қандай мартабани беъайди.
- Халол одам учун энг оғир ҳақорат уни ноҳалолликда айблашдир.
- Халол одамни таъқиб этиш мумкин, лекин уни бадном қилиб бўлмайди.
- Халол одам бировнинг ҳақиға хийнат қилмайди.
- Бузқони ҳақи бор деб, сигирни сутини ичмайди, деган нақл икки хил маънода тушунилади. Биринчиси — кесатик. Иккинчиси харомдан ҳазар қилиш. Аслида эса иккинчи маъно ҳақиқатга тўғридир.

Хикоят: бир кишининг бир сигири бор эди. Сутига сув қўшиб сотиб бойиди, бир неча сигир жам қилди. Бир кун и сел келиб, ул сигирларнинг ҳаммасини оқизиб кетди. Уша кишининг норазида боласи шундай деди: "Эй падар, сутга қўшган пароканда сувлар йғилиб келиб, ситирларимизни оқизиб кетди".

Нақл қилурларки, ҳазрат Мир Кулол оналари дер эканлар: "Амир Кулол қорнимда экан, ногаҳ шубҳали лўқма ютиб қўйсам, кўкрагим остида шу қадар қаттиқ оғрик пайдо бўлардики, ҳатто хушимдан кета ёзардим. Кейин маълум бўлдики, бу халол покиза фарзандим барокатидан экан.

Байт:
Нишоним шулки, мен покиза фарзанд,
Отам ҳам пок, онамдур Афифа.


Дилим поку йўлим пок,
этагим пок,
Тариқатим эрур — Абу Ҳанифа.

Шайх Саъдий айтади:
• Тўғри йўлда юрган одам номусли, матонатли, берган ваъдасида қаттиқ турувчи бўлади, ҳеч кимни алдамайди, тўғриликдан ажралмайди, тўғриликнинг энг улугъ фазилат эканини билади.

• Анушервон Одил бир кун ўз хизматчилари билан овга чиқди, кўпгина хайвонларни овладилар. Анушервон овланган хайвон гўшларини қабоб қилишга буюрди. Тўз йўқлиги учун бир хизматчисини чақириб:

— Шу яқин орадаги қишлоққа бориб тўз келтир, лекин баҳосини тўлаб, эгасини рози қил, деб буюрди. Хизматчи таажжуб қилиб: — Арзимаган нарса учун ҳам эгаси норози бўлади-ми? Ҳаққини тўламай олаверсак эгаси нима зиён кўради? — деди.

Анушервон айтди:
— Сўзинг тўғри эмас, чунки зулм, адолатсизлик мана шундай арзимаган нарсадан бошланиб, зурайиб кетади. Агар мен богбоннинг бир олмасини арзимаган нарса деб, баҳосини тўламай олиб есам, одамларим у олма дарахтини бутун илдизи билан сугуриб оладилар, ёки эгасидан сўрамай, ярим тухум олиб есам, одамларим мингта товуқни сизга тортадилар. Мана шундай қилиб, зулм-адолатсизлик кучая бориб, ҳалоллик йўқолади. Бу эса халқ бошига қатта қулфат балосини ёддиради.



• САЊАТ ХАЛҚ ИЖОДИНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ

Амалий санъат — энг оммавий, халқчил, ҳаётий ижод ифодасидир. Амалий санъат асарлари ва буюмлари инсоннинг нафосатини эстетик жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Амалий санъат асарлар мобайнида халқ ижоди сифатида шакллана бориб, тараққий толган. Бобокалонларимизнинг ҳаёт йўлини, гўзалликка бўлган интилишларини ўтмишдан сақланиб қолган ана шундай маданият ёдгорликлари орқали ўрганиб борамиз.

Ҳозирда халқ усталарининг янги авлоди амалий санъатнинг йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, ижодий баркамолликка эришиш устида ижодий изланмоқдалар.

Кейинги йилларда халқ амалий санъати янгича тарзда ўсиб, ривожланиб, ўзининг ранг-баранг, сержило гулшанини намойиш этмоқда. Ганҷкорлик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик, кулоллик соҳаларида диққатга сазовор ижодий улғайиш, бадийи кәшифетлар кўрин-

моқда. Халқ амалий санъатига эътибор ортгани сари, Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи жамоаси ҳам қатта саъй-ҳаракатларни амалга оширган ҳолда ранг-баранг экспозицияларни тайёрлаш ва мухлислар эътиборига ҳавола этиш бўйича салмоқли фаолият олиб бормоқда. Бу ерга келган кишиларга музей экскурсоводлари юқори маҳорат билан амалий санъатнинг кўп қиррали жиҳатлари, қўйилган экспозициялар орқали бу соҳада улар онгини оширишга ҳаракат қилмоқдалар.


Раҳматхон АКМАЛОВ
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейидан ўрин олган миллий санъатимиз намуналари. Муаллиф олган суратлар.



БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

БОШҚОТИРМА

- Энига:** 5. Компас асбоби ихтиро этилган мамлакат. 6. Рангли металл. 7. Сувчи. 10. Соч ўрими. 12. Алоқа техникаси. 23. Воқеа-ходисалар манбаи. 26. «Бахористон» асари муаллифи, мумтоз шоир. 27. Фан ва маданият соҳаларида танилган шахс. 28. Балиқ тури. 29. Жиззах вилояти тумани.
- Бўйига:** 9. Қадимда қоғоз сифатида ишлатиладиган тери, ёзув ашёси. Диагонал бўйича ўнга: 3. Электр микродорининг ўлчов бирлиги. 4. «Фиат» автомобиль заводи жойлашган Италия шаҳри. 10. Таниқли ўзбек кўз касалликлари шифокори. 11. Махсулотнинг сотилмай қолиши. 15. Матбаа қорхонаси. 17. Шоҳид. 18. Бир мақсадда қатъиятли инсон. 19. «Қўрқинчи-ли Техрон» романи муаллифи. 20. Тик ҳолатни аниқлашда ишлатиладиган бинокорлик асбоби. 22. Сотиш учун ишлаб чиқарилган махсулот. 23. Отлар подаси.
- Диагонал бўйича чапга: 1. Фарҳоднинг севгилиси. 2. Хоразм вилояти тумани. 8. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 13. Автомобиль қисми. 14. Кўсак қисми. 16. Грамматика бўлими. 19. Етук инсон. 20. Абулқосим Фирдавсий достони. 21. Кучли емирувчи бўрон. 24. Матонинг кўндалангига ўриши билан кесишувчи ипи. 25. Марказий Осиёдаги тоғлик.
- МУАММОНОМА**
Очқич сўзлар: 1. Қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган очқич сўзлари асосида шакл атрофида яширинган ўзбек халқ мақолини билиб олинг.
1. Қадимий чавандозлик мусобақаси — 7, 6, 4, 2.
 2. Ўзбек халқ куйи — 5, 3, 6, 8, 10, 11.
 3. Ўтмишда қолган моддий ва илмий бойлик — 1, 15, 11, 4, 4, 12, 4, 16, 13, 14.



Газетанинг шу йил 5 сентябрь сонида берилган БОШҚОТИРМАНING ЖАВОБЛАРИ

Белгиланган хонадан рақам атрофида соат миля йўналишида: 1. Қайрағоч. 3. Молекула. 5. Катманду. 7. Кумурска. 10. Мўхокама. 11. Манларин. 14. Забаржад. 16. Эстетика. 18. Қайнатма. 20. Анақонда.

Энига: 2. Йил. 4. Лад. 6. Тоқ. 15. Бек. 17. Тим. 19. Йод.

Бўйига: 8. Азм. 9. Ром. 12. Куз. 13. Ака.

Муаммонома
Очқич сўзлар: 1. Ватт. 2. Баҳо. 3. Ором. 4. «Сезам». 5. Инъом. 6. Ҳикмат: Меҳнатсиз роҳат бўлмас, ташвишсиз неъмат.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
3871 нусxada босилди. Қўғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта буйимларига ёки «Тошкент почтамактабига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.